



Савол:

Умуман тугилган кун агаргина динга кандайдир алокаси бўлса унда бидъат дейишимиз мумкин, тўғрими? Яъни тугилган кунни нишонлашни такиклаш ўзи бидъат бўлиб колмайдими? Шундай саволлар беришяпти. Яъни одамнинг ёши яна бир ёшга кўпайибди деб байрам килиш ёки байрам килмасдан факатгина табриклаб кўйиш Исломга кандай алокаси бор? Умуман динга алокаси борми деган саволлар беришяпти.

Жавоб:

Шайтон одамларга дарс айтишда жуда уста бўлади. Яъни тугилган кунни нишонлашни такиклаш ўзи бидъат бўлиб колмайдими? Бу жуда бемаза гап. Бидъат нималигини билмокчи бўлсангиз сахифамизнинг «Жума насихатлари»га кўйилган «Бидъат» номли маколани ўкиб чикинг.

Шуни яхши билинсинки, ислом одамнинг хамма амалларига жавоб беради. Бир одам исломга киргандан кейин унинг хамма килаётган амаллари исломга мувофик бўлиши керак. Амал факат килинадиган иш эмас, сўз хам амалдир, масалан “субханаллох” бу бир сўз, уни ислом амал деб хисоблайди, киёматда Аллох унга ажр беради. Сўкиш хам бир сўз киёматда унга жазо берилади. Тугилган кунни нишонлаш бизга кофир кавмлардан кириб келган ва унга амал килиш секин-аста ривожланган. Хозирга келиб тугулган кун маросимида катта торт килиниб унинг устига ёшга баробар шамчалар ёкилиб маросим сохиби аксар холда болалар буни бир пуфлашда ўчиради. Шамнинг эса насороларнинг динига бевосита алокаси бор. Демак бу амал шунчаки одат эмас балки кайсидир кофир кавмга эргашиш экан.